

---

Барча электр станциялари техник эксплуатациядан ўтказилиши шарт Ҳукумат қарори билан (609-сон, 18.10.2022 й.) Ўзбекистон Республикасининг электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари [тасдиқланди](#).

Қоидаларга мувофиқ, қурилиши тугалланган ИЭС, ГЭС, ҚЭС, ШЭС ва бошқа электр ишлаб чиқарувчи станциялар эксплуатацияга қабул қилиниши керак.

Эксплуатациядан олдин қуийдагилар амалга оширилади:

- ускуналарнинг индивидуал синовлари, асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг синов тарзида ишга туширилиши билан тугайдиган энергоблоклар учун алоҳида тузилмаларнинг функционал синовлари;
- ускуналарнинг комплекс синааб кўрилиши.

Энергетика объектларида ишлашга маъсус маълумотга эга ва тайёргарликдан ўтган шахсларга рухсат берилади.

Тезкор ва тезкор-таъмирлаш ходимлари камида З ойда бир марта аварияга қарши назорат машғулотларини ўтишлари шарт.

Шунингдек, Қоидаларда энергетика объектларининг эксплуатациясини ташкил этиш устидан техник ва технологик назорат қилиш, техник хизмат қўрсатиш ва модернизация қилиш тартиби белгиланган.

2022-10-19 16:21:22